№ 32 (1111) 10 СЕНТЯБРЬ 2020 Й. Даракчи

ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ 11,7 ФОИЗГА ЕТДИ

БУ ЯХШИ КЎРСАТКИЧМИ ЁКИ ЁМОН?

Кўпчилик ҳозирги пандемия ва карантин шароитида истеъмол талабларининг сусайиши нарх-навоо кўтарилишига эмас, аксинча нархлар ўсишининг секинлашишига олиб келади, деб ўйлагани аниқ. Эътиборлиси, расмий статистика маълумотлари амалда айнан шундай бўлганини тасдиқламоқда. Гап шундаки, Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган истеъмол нархлари индекси (ИНИ) — инфляция кўрсаткичлари маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2020 йилнинг август ойида истеъмол нархлари ва тарифлари ўсиши ўртача 0,5 фоизни ташкил этиб, ойлик инфляция кўрсаткичи ўтган йилнинг мос ойидагига нисбатан 2,4 бандга пасайган.

Жорий ва ўтган йилнинг саккиз ойи давомидаги инфляция кўрсаткичларини ўзаро таққосласак, ўсиш тенденциясининг сезиларли даражада секинлашганига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни 2020 йилнинг январь-август ойларида нархлар ўртача 4,8 фоизга, 2019 йилнинг шу даврида 8,2 фоизга қимматлашган. Ўртадаги фарқ — 3,4 фоиз. Жорий йилнинг август ойида йиллик инфляция даражаси эса 11,7 фоизни, ўтган йилнинг тегишли даврида 16,5 фоизни ташкил этган. Бу борадаги фарқ 4,8 фоизни ташкил этди.

Бундан кўринадики, йиллик инфляция даражаси пасаймоқда.

ИНИдаги ЎЗГАРИШЛАР ҚАНДАЙ?

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳаларидаги нархлар тебранишини юқори даражадаги аниқлик билан акс эттирилиши ўта муҳим. Шунинг учун мамлакатимизда ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, инфляция даражасини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири — истеъмол нархлари индекси (ИНИ) кузатувлари статистика органлари томонидан амалга оширилади.

Хўш, ўтган даврда ИНИдаги ўзгаришлар қандай бўлди?

Мухтор УМАРОВ, Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, истеъмол нархлари индекси ўртача истеъмолчи томонидан харид қилинган ўзгармас товарлар ва хизматлар тўпламининг умумий нархлари ўзгаришини ҳисоблайди. Ўзбекистонда истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларини ҳисоблаш учун энг кўп истеъмол қилинадиган 510 турдаги товар ва хизматлар, жумладан, 170 хилдаги озиқ-овқат, 250 хилдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва 90 турдаги хизматлар нархининг ўзгариши асосида кузатилади.

Ўртача ойлик ИНИ ўсишини ҳисоблаш натижаларига кўра, 2020 йилнинг саккиз ойи давомида ушбу кўрсаткич 0,6 фоизни, ўтган йилнинг мос даврида эса 1,0 фоизни ташкил этган.

Умумий ҳисобда солиштирилаётган даврларда нархларнинг ўсиши кузатилган бўлса-да, жорий йилдаги нархлар ошиш суръати ўтган йилдаги нархларга нисбатан кескин секинлашганини таъкидлаш ўринлидир.

КОРОНАВИРУС БЎЙИЧА РАСМИЙ КАНАЛГА ОБУНА БЎЛИНГ: @KORONAVIRUSINFOUZ

НИМА ҚИММАТУ, НИМА АРЗОН?

Шу кунларда бозорга тушганлар гўшт нархи кўтарилиб, гуруч нисбатан тортилиб қолганини сезган бўлиши тайин. Гўшт нархининг қимматлиги кейинги пайтдаги оғриқли масалага айлангани ҳаммага аён. Лекин гуруч баҳоси нега ошди? Сотувчилар буни эски ва янги мавсум ҳосилларидаги узилишлар билан изоҳлашмоқда. Уларнинг ишончи билдиришича, шолига ўроқ тушгач, янги ҳосил ҳисобига бозорлар тўйиниб, гуруч нархлари нисбатан арзонлашади.

Нарх-наводаги бу ўзгаришлар расмий статистика маълумотларида нечоғлик акс этмоқда?

Ҳисоботда келтирилишича, 2020 йилнинг январь-август ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари умумий ҳисобда 5,2 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 4,9 фоизга, хизматлар 4,0 фоизга ошди.

2019 йилнинг январь-август ойларида эса озиқ-овқат маҳсулотлари 6,9 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 7,8 фоизга ва хизматлар тарифлари 11,5 фоизга қимматлашган.

Шунингдек, жорий йилнинг саккиз ойи давомида ҳар бир ой учун асосий гуруҳлар нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИнинг ўсиши ёки пасайишидаги таъсири натижаларига кўра, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархлари ўзгариши таъсирининг нисбий барқарорлиги шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши таъсири аста-секин ўсиб борди. Май ойидан бошлаб, яъни пишиқчилик мавсумида мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарлари нархларининг мавсумий пасайиши кузатилиб, бу эса қисқа муддатли инфляцион босимни сезиларли даражада пасайтирди. Август ойидан эса январь-май ойларида бўлгани каби озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари яна қимматлашиб, ой давомидаги ўртача ўсиш суръати 0,3 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, август ойида нархларнинг бундай ошиши мавсумий бўлиб, ўтган йилнинг август ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ой давомида ўртача 2,3 фоизга кўтарилганини эслаш кифоя. Хусусан, жорий йилнинг август ойида гўшт, парранда гўшти ва балиқ нархлари 1,9 фоизга, тухум 1,5 фоизга, ёғ ва мой маҳсулотлари 1,4 фоизга ошди. 2019 йилнинг август ойида гўшт, парранда гўшти ва балиқ нархлари 6,3 фоизга, тухум 3,5 фоизга, ёғ ва мой маҳсулотлари 1,0 фоизга ошган.

Умуман олганда, ўтган саккиз ой ичида нон маҳсулотлари 11,8 фоиз, гўшт, парранда гўшти ва балиқ 10,0 фоиз қимматлашган. Гуруч нархи эса бир ойда 1,5 фоиз, йил бошидан эса 8,4 фоиз кўтарилган. Таққослаш учун келтирамиз, 2019 йилнинг августида гўшт, парранда гўшти ва балиқ 6,3 фоиз ошган эди.

НАРХЛАРДАГИ КЕСКИН ТЕБРАНИШ

Таҳлил натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларидаги кескин тебранишлар мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат сўнгги вақтларда анъанавий тусга кирган бўлса-да, бу гал мева ва сабзавот маҳсулотларидан айримларининг нархлари сезиларли даражада пасайиши, баъзиларида эса бунинг акси кузатилгани билан ажралиб турибди. Агар нархларнинг ой давомидаги максимал ўсиши апрелга тўғри келиб, 6,6 фоизга кўтарилган бўлса, пасайиш июнь ойида кузатилиб, нархлар ўртача 8,4 фоизга арзонлашди.

Нархларнинг ўсиши бўйича лимон, картошка ва сабзи маҳсулотлари етакчилик қилмоқда. Масалан, истеъмолда энг кўп ишлатилиши туфайли "иккинчи нон" дея эътироф этиладиган картошка нархлари йил бошидан 1,3 бараварга қимматлашган. Ўтган йилнинг мос даврида нархларнинг 4,6 фоизга пасайиши кузатилган.

Шу йилнинг август ойида мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг йиллик ўртача ўсиши 9,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг мос даврида нархлар 25,9 фоизга қимматлашган.

> АВГУСТ ОЙИДАН ЭСА ЯНВАРЬ-МАЙ ОЙЛАРИДА БЎЛГАНИ КАБИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ЯНА ҚИММАТЛАШИБ, ОЙ ДАВОМИДАГИ ЎРТАЧА ЎСИШ СУРЪАТИ 0,3 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

> 2019 ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИДА ГЎШТ, ПАРРАНДА ГЎШТИ ВА БАЛИҚ НАРХЛАРИ 6,3 ФОИЗГА, ТУХУМ 3,5 ФОИЗГА, ЁҒ ВА МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ 1,0 ФОИЗГА ОШГАН.

ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА ИНФЛЯЦИЯ ПРОГНОЗИ ҚАНДАЙ?

Статистика идоралари томонидан прогноз қилинмаслигини инобатга олиб, бу саволга жавобни бошқа манбадан изладик.

Президентнинг 2019 йил 18 ноябрдаги "Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмлари босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказилмоқда. Унга кўра, Марказий банк инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш, 2023 йилда эса 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш кутилмоқда.

БУ ЙИЛ-ЧИ? ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ИНФЛЯЦИЯ ПРОГНОЗИ ҚАНДАЙ?

Марказий банк бошқаруви кенгаши иқтисодиётдаги ҳозирги вазият ва пандемия билан боғлиқ ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда, 2020 йил якуни бўйича инфляция прогнозини йиллик 11-12,5 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолди. Бунда III чоракда энергия ресурслари нархининг ўтган йилдаги ошиши таъсирининг чиқиб кетиши билан унинг инфляция даражасига таъсири минималлашиши кутилмоқда. Марказий банк базавий инфляциянинг 12 фоиз атрофида шаклланиши учун ҳукумат билан биргаликда барча зарурий чораларни кўриб боришини маълум қилмоқда.

Аслида инфляция кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у қадар қўрқинчли эмас. Иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишида ўртача инфляция даражасига эришиш афзалроқдир.

Асрорбек НЕЪМАТОВ

КОРОНАВИРУС БЎЙИЧА РАСМИЙ КАНАЛГА ОБУНА БЎЛИНГ: @KORONAVIRUSINFOUZ